

ISSN 2072-0297

МОЛОДОЙ УЧЁНЫЙ

МЕЖДУНАРОДНЫЙ НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ



50 2022
ЧАСТЬ VII

16+

ИСКУССТВОВЕДЕНИЕ

- Редько А. М.**
Игра вундеркинда и игра мастера на мацеевском фестивале 500
- Усиченко Е. Р.**
К вопросу о синтезе старого и нового в изображении Белгорода 504

ФИЛОЛОГИЯ, ЛИНГВИСТИКА

- Низамова Г. Р.**
Особенности перевода научных текстов с английского на русский язык 507
- Паршина С. А.**
Основные тенденции развития перевода на Руси в XVII столетии 508
- Паршина С. А.**
Переводчики и развитие переводческой мысли в России XVII века 510
- Паршина С. А.**
Концептуальные изменения в подходах к переводу в России XVII века 512

ФИЛОСОФИЯ

- Комиссаров А. Г.**
Естественно-научная картина мира П. А. Флоренского 515

ПРОЧЕЕ

- Карпенко С. В.**
Организация обучения в службе хаускипинг 518

МОЛОДОЙ УЧЕНЫЙ
ҚАЗАҚСТАН

- Ахметжан Д. Р., Момбекова Г. Р.**
Кәсіпорындардың бәсекеге қабілеттілігін арттыру үшін цифрландыру жүйесінің маңызы 520
- Талгатова А. А., Ордабаева А. М., Расулова А. М.**
Қазақстан туризм саласын дамытудағы мемлекеттік реттеудің маңыздылығы 522
- Убайдуллаева М. А.**
Инновациялық технологияларды меңгеру үрдісінде мұғалімдердің рефлексивті-дамушы компетенциясын қалыптастыру 527

МОЛОДОЙ УЧЕНЫЙ
O'ZBEKISTON

- Курбанова Ш. И., Сабитов М. А.**
Сопол буюмлари ишлаб чиқариш корхонасида ёритилганлик кўрсаткичларини гигиеник баҳолаш 532

МОЛОДОЙ УЧЕНЫЙ О'ЗБЕКISTON

Сопол буюмлари ишлаб чиқариш корхонасида ёритилганлик кўрсаткичларини гигиеник баҳолаш

Курбанова Шахноза Иркиновна, тиббиёт фанлари номзоди, доцент;
Сабитов Мирзабек Алишер ўғли, магистратура талабаси
Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон)

Кўриш ишларини яхшилаш ва организмни меҳнат фаолиятини активлаштириш мақсадида рационал табиий ва сунъий ёритилганликни таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Ўрганилаётган корхонадаги меҳнат жараёни кўзга зўриқшини талаб этади. Бу эса табиий ва сунъий ёритилганликни рационал шароитини таъминлашни ва ёритилганликни тўғри таъминлаштиришни талаб этади.

Калит сўзлар: сопол буюмлар ишлаб чиқариш корхонаси, иш жойи, табиий ва сунъий ёритилганлик, разряд, фон, контраст.

Гигиеническая оценка показателей освещённости на производстве керамических изделий

Курбанова Шахноза Иркиновна, кандидат медицинских наук, доцент;
Сабитов Мирзабек Алишер ўғли, студент магистратуры
Ташкентская медицинская академия (Ўзбекистон)

С целью улучшения органов зрения и активизации работы организма надо обеспечить рациональное естественное и искусственное освещение. Трудовой процесс на изучаемом предприятии требует зрительного напряжения. Это в свою очередь требует обеспечения рациональных условий труда: естественного и искусственного освещения и правильной организации освещения.

Ключевые слова: производство керамических изделий, рабочее место, искусственное и естественное освещение, фон, контраст.

Иш жойларидаги ёритилганликни интенсивлиги кўриш анализаторини фаолиятини яхшилашда, айниқса кўзга катта зўриқиш талаб этадиган иш фаолиятида катта аҳамият касб этади. Ёритилганликни иш жойларида меъёридан пастлиги кўзда чарчашга, иш қорбилиятини пасайишига ва кўз билан боғлиқ касалликларга сабаб бўлади [1, 3]. Ёритилганлик даражасини меъёрлаш ишчиларнинг визуал функцияларини ўзига хослигига мувофиқ ўрганилади ва санитар қоида ва меъёрларда аниқ акс этади. Шунинг учун ҳар соҳа мутахассислари олдида инсон ҳаётида кўринадиган нурларни моҳиятини ва ролини билиш ва уларни саломатлигини сақлаш мақсадида рационал ёритилганлик тизимидан фойдаланиш учун тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир [2, 4].

Текширишдан мақсад: Сопол буюмлар ишлаб чиқариш корхонасидаги иш жойларида ёритилганлик кўрсаткичларини аниқлаш, уларга гигиеник баҳо бериш, ишчиларнинг меҳнат шароитларини оптималлаштириш ва соғлиғини сақлашга қаратилган илмий асосланган профилактик тадбирларни ишлаб чиқишга асос бўлади.

Материал ва усуллар

Сопол буюмлар ишлаб чиқариш корхонасининг иш жойларида ва цехдан ташқари жойларда ёритилганлик ҳолатини текшириш мақсадида цехдаги ёритиш тармоқлари иш куни давомида ўлчанди. Ёритилганлик кўрсаткичлари Аргус-01 маркали люксметр асбоби ёрдамида ва Давлат стандарти 2.49.40–81 «Бино ва иншоотлар. Иш жойларда ишлаб чиқаришда ёритилганликни ўлчаш усуллари» га асосан аниқланди. Ишлаб чиқаришда табиий ёритилганлик ҳолати табиий ёритилганлик коэффеценти (ТЁК) бўйича фоизларда, сунъий ёритилганлик эса иш жойлардаги ёритилганлик кўрсаткичлари бўйича люксларда (лк) да баҳоланди. Олинган натижалар ҚМҚ 2.01.05–98 «Табиий ва сунъий ёритиш» талабларини ҳисобга олган ҳолда гигиеник баҳоланди.

Олинган натижалар

Кўриш ишини яхшилаш ва организм фаолиятини фаоллаштириш мақсадида табиий ва сунъий ёритилганликни раци-

онал ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Сопол буюмлари ишлаб чиқариш корхонасининг ишлаб чиқариш цехлари бир қаватли бинода жойлашган. Ёритилганлик бир томонлама бўлиб ён томондан, сунъий ёритилганлик ДРЛ турдаги чўгланма лампалар орқали, махаллий ёритилганлик эса люминисцент лампалар орқали ёритилади. Махаллий ёриткичлар полдан 1 м масофада жойлашган. Иш вақти бир сменали. Кун давомида ёритилганлик аралаш.

Текширув натижалари шуни кўрсатди-ки, ёритилганлик даражалари иш жойларида иш куни давомида ва йил даврига нисбатан ўзгарувчан бўлиб қолиплаш цехларида ёритилганлик даражаси меъёрида. Бу цехда буюмларга қолип бериш, буюмларни сирлаш, ялтироқ бериш жараёнлари олиб борилади. Қолипловчиларнинг иши кўриш органига зўриқиш талаб этмайди, аммо буюмларни қолиплашда иш жараёни монотонликни талаб этади. Шу туфайли ёритилганликка талаб ортади. Қолипловчиларнинг иш разряди VI разрядга таалуқли. Иш жойларида ёритилганлик кўрсаткичлари йилнинг илиқ даврида меъёрида. Йилнинг совуқ даврида аралаш турда комбинациялашган тизимда табиий ёруғлик коэффициенти (ТЁК) гигиеник меъёрдан 0,2% га камлиги аниқланди.

Корхонада безак бериш жараёнида ишловчи рассомларнинг иш разряди бўйича III разрядга таалуқли бўлиб объектнинг энг кичик ўлчамлари 0,3–0,5 мм, фон оч, контраст берилётган бўёқнинг рангига қараб ўртача ёки катта. Бу иш жойларидаги ёритилганлик кўрсаткичлари аниқланганда иш кунининг ярмида

ТЁК аралаш тизимда ён томондан ёритишда 0,98% га тенглиги (РЭД — 1,2%) меъёридан 0,22% камлиги аниқланди.

Майдаловчи-кукунловчи, қуригувчи, сопол буюмларни печларда қиздирувчи касб эгаларининг иш разряди VI разрядга таалуқли бўлиб жуда кичик аниқликдаги иш турига киради. Бу иш жойларидаги ёритилганлик кўрсаткичлари меъёрида бўлиб ҚМҚ 2.01.05–98 «Табиий ва сунъий ёритиш» талабларига жавоб беради. Сараловчиларнинг иш разряди эса IV «г» разрядга таалуқли. Бу касб эгаларининг кўз билан бажарадиган иши ўртача аниқликдаги иш турига мансуб бўлиб фон оч, контраст ўртача. Сараловчиларнинг иш жойларидаги ТЁК аралаш ёритиш тизимида 1,0% га тенглиги яъни ҚМҚ 2.01.05–98 «Табиий ва сунъий ёритиш» талабларига жавоб бериши аниқланди.

Хулоса: Таъкидлаш жоиз-ки, ёритилганликни яхшилаш ҳамда организм фаолиятини активлаштириш, табиий ва сунъий ёритилганликни рационал ташкил этиш катта аҳамиятга эга. Сопол буюмлар ишлаб чиқариш корхонаси цехларидаги қолипловчи ва рассомларнинг иш жойларида ёритилганликнинг меъёридан пастлиги кўзга зўриқиш берилди ва кўз анализаторининг чарчашига сабаб бўлади. Шунинг учун иш жойларида ёритилганликни меъёрида рационал ташкиллаштириш талаб этилади. Иш жойларидаги ёритилганликнинг етарли эмаслиги светильникларнинг етишмаслиги, девор ва шифтларда акс этиш коэффицентининг пастлиги, куйган лампаларнинг ўз вақтида алмаштирилмаслиги ва лампаларнинг қуввати пастлиги сабаб бўлди.

Адабиёт:

1. Агаджанян Н. А. Общественное и профессиональное здоровье и промышленная экология // Медицина труда и промышленная экология. — 1999. — № 1. — С. 1–3.
2. Измеров Н. Ф. Охрана здоровья рабочих и профилактики профессиональных заболеваний на современном этапе: Материалы IX Всероссийского съезда гигиенистов и санитарных врачей. — М., 2001. — С. 25–31.
3. Измеров Н. Ф. Профессиональный обзор в медицине труда // Медицина труда и промышленная экология. — 2006. — № 3. — С. 1–6.
4. Столбоушкин А. Ю. Разработка модели формирования цвета и распределения красящего компонента при обжиге керамики каркасно-окрашенной структуры // Строительные материалы. — 2020. — № 8. — С. 38–46